

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 22

Навойй ш.

2022 йил «21» декабр

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Куйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги Мелиоратив экспедицияси номидан устав асосида иш кўрувчи бошлиги Ш.Сафаров бир томондан ва кейинги ўринларда Пудратчи деб юритиладиган Бархаёт замин томорка хизмати МЧЖ номидан устав асосида иш кўрувчи У.А.Жумаев иккинчи томондан Кармана туманидаги 41 дона мелиоратив қудуқларга ер ости сув даражаси ва менераллашув даражаси онлайн мониторинг (DIVER) қурилмасини ўрнатиш бўйича қуйидаги шартномани туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган Кармана туманидаги 41 дона мелиоратив қудуқларга ер ости сув даражаси ва менераллашув даражаси онлайн мониторинг (DIVER) қурилмасини ўрнатиш ишлари смета ҳужжатларига асосан олиб борилади, бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) ва ҳисоб фактура асосида иш олиб борилади.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартномада Кармана туманидаги 41 дона мелиоратив қудуқларга ер ости сув даражаси ва менераллашув даражаси онлайн мониторинг (DIVER) қурилмасини ўрнатиш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил "16" декабрдаги лот.№208892 билан ўтказилган электрон йиғилиш баённомаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда қўшимча қиймат солиғи билан 583 840 000 (беш юз саксон уч миллион саккиз юз қирк минг) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ўрнатиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди (қонунда қузда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг қучлари ёки жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

100% ўрнатиш ишларини сифатли бажарилишига кафолат беради.

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли тартибда Газначилиқдан руйхатга олинган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун қузда тутилган таъмирлаш ишлари тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

8. Шартнома:

миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин қучга қиради.

9. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга қиради.

10. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган таъмирлашнинг давом этиш вақти шартнома умумий суммасидан 30% тулов амалга оширилган кундан бошлаб 15 кунни ташкил этади.

11. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

12. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг **30** фоизи микдорида аванс ўтказади, бу **175 152 000 (бир юз етмиш беш миллион бир юз эллик икки минг)** сўмни ташкил этади.

13. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов “Бажарилган ишлар” далолатномасига (форма-2) ва ҳисоб фактурасига асосан амалга оширилади.

14. Пудратчи товар фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича товарга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Товар Буюртмачига топширилгунга қадар товарнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

15. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

16. Пудратчи ишларни бажариш лойҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

17. Пудратчи ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишди ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

18. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

19. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

20. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиغان куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

21. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиغان куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

22. Агар енгиб бўлмайдиغان куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

23. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. КАФОЛАТЛАР

24. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан таъмирлаш учун қўлланиладиган материаллар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

25. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилиш назорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ

26. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин таъмирлашнинг бошланиши Буюртмачига боглик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари таъмирлаш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

Конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

27. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

28. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра тугалланмаган ишлар бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

29. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

30. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

31. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКҲИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

32. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

33. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда

пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

34. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 2 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

35. Пудратчи ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,3 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва қачилиқлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,3 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

36. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, таъмирлаш меъёрлари ва коидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи "Давархитектурурилиш назорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

37. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган

харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

38. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

39. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қолашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳўжалик суди томонидан қўриб чиқилади.

XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

40. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

41. Пудратчи тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

42. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий ҳисобланади.

43. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

44. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

45. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

46. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусxada тузилди.

47 Шартнома имзоланиб, Ғазначиликдан руйхатдан ўтгандан сунг конуний кучга қиради ва амал қилиш муддати “ 31 “-декабр 2022 йилгача ҳисобланади.

XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

ПУДРАТЧИ

Бархаёт замин томорка хизмати МЧЖ

Кармана т Шибизон МФЙ

Х/р 20208000505388266001

Банк Халк банк Навоий шаҳар

Банк коди(МФО) 00703

ИНН 308480434

ХХТУТ _____

КТУТ _____



Рахбар (имзо) У.А.Жумаев

Юрист хулосаси

БУЮРТМАЧИ

Қуйи Зарафшон ИТХБ ҳузуридаги МЭ

Юридик манзилгоҳ Навоий ш

ШХ/р 100021860124017042402170002

Банк номи МБ ББ ХККМ Тошкент шаҳри

Банк коди(МФО) 00014

ИНН 200035385

ХХТУТ

КТУТ

Ғазначилик булими: Навоий вилояти
буйича

Ғазначилик бошқармаси

Ғазначилик Х/Р 23402000300100001010

Ғазначилик ИННи 201122919

Рахбар (имзо) Ш.Сафаров

